

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДХОНОВ МАЪМУРЖОН МУҲАММЕДОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШОРАЛАРНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ ВА**  
**МАТНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Саидхонов Маъмуржон Муҳаммедович**

Ўзбек тилида ишораларнинг вербаллашуви ва матний хусусиятлари ..... 3

**Саидханов Мамуржон Муҳаммедович**

Вербализация жестов и их текстуальные особенности в узбекском языке...37

**Saidkhonov Mamurjan Mukhamedovich**

Verbalization and textual peculiarities of gestures in Uzbek..... 73

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....**

78

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc 03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДХОНОВ МАЪМУРЖОН МУҲАММЕДОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШОРАЛАРНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ ВА**  
**МАТНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2023**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Fil327 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муминов Сидикжон Мирсобирович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Суён Амирович  
филология фанлари доктори, профессор

Усмонова Хуриниса Шарапона  
филология фанлари доктори, профессор

Ҳакимова Муҳайё Каримовна  
филология фанлари доктори, проф. в.б.

Етакчи ташкилот:

ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва  
фольклори институти

Диссертация химояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «6» 01 соат 900 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (229 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» 12 кун тарқатилди.  
(2022 йил «23» 12 даги 45 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, фил.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида кейинги йилларда лингвистик фактларга антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашув натижасида кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувнинг марказида турувчи шахс тушунчаси ва унинг тадқиқига эътибор кучаймоқда. Ҳар қандай ахборот маълум шахс (адресант) томонидан узатилаётгани ва у бошқа шахс (адресат) томонидан қабул қилинишини эътиборга олсак, тил инсонларнинг ўзаро фикр алмашинуви воситаси экани маълум бўлади ва бунда шахс феномени биринчи планга чиқади. Шунинг учун ҳам нутқий жараён тил илмининг лейтмотивига айланди.

Мулоқотнинг нутқий ва нонутқий воситалар орқали юзага чиқиши эса тил тадқиқида ички тилшуносликка ҳамоҳанг равишда ташқи тилшунослик ҳам кенг жабҳада ўрганилишини тақозо этади. Бу эса фикр ифодалаш вазифасини бажариб келувчи имо-ишоралар ва бошқа новербал воситалар ҳам ахборот узатиш нуқтаи назаридан тилшунослик билан боғлиқ бўлиб, уларни бирлаштирувчи узв ҳар иккаласининг белги эканидир. Коммуникатив акт таркибига кирувчи ишоралар, имолар, тана ҳаракатлари ва бошқа маъно ифодаловчи овознинг сифатий ўзгаришлари каби воситаларнинг тил бирликлари орқали ифодаланиши вербаллашув саналиб, ўзбек тилидаги ишора феъллари, сўз қўшилмалари, уларнинг бадий матнда ишлатилиши, гап структурасидаги ўрни, ремарка ва репликалар орқали берилиши каби масалалар тадқиқи катта амалий аҳамиятга молик.

Нутқий мулоқот ҳаракатдаги жараён бўлиб, дунё тилшунослигида коммуникатив акт ва унинг узвлари ҳақида интра ва экстралингвистик тадқиқотлар диалектик тарзда олиб борилмоқда. Новербал воситаларнинг лисоний ифодаси, уларнинг тил тизимидаги ўрни, матний хусусиятлари, муайян иждоқорнинг кинемалардан фойдаланишидаги ўзига хослик каби масалалар хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган. Тилга прагматик ёндашув, нутқий акт ҳақидаги назарияларнинг тадқиқ этилиши, алоқа-аралашувда дискурсив муносабат ва уларнинг матний ифодаси каби масалаларни ҳал этиш ўзбек тилшунослигига янгича ёндашувни тақозо этади. Ушбу диссертация ҳам алоқа-аралашув жараёнида диалогик нутқ ва унинг прагматик хусусиятлари, нутқий мулоқотнинг матний вербализацияси тадқиқига ва таҳлиliga бағишланган бўлиб, ўзбек тилида ишора феъллари лексик-семантик гуруҳи, унинг семантикаси, грамматик жиҳатлари, структураси ва матний хусусиятлари илк бор монографик йўналишда ўрганилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тил соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзбек тили бўйича қабул қилинган қонун ва фармонларнинг асосий мақсади она тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг муомала жараёнидаги имкониятларини юқори даражага кўтариш, фаннинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашдан иборатдир. Зеро, «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз

маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Коммуникация ва коммуникатив акт, ишоралар ва уларнинг вербал ифодаси назарияси ва амалиётини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Кембридж университети (Буюк Британия); Лейпциг университети (Германия), Филадельфия университети (АҚШ), Америка психологлари ассоциацияси (American Psychological Association) (АҚШ), Hacettepe Üniversitesi, Anadolu Üniversitesi (Туркия), Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Москва давлат лингвистика университети, Калинин давлат университети, Воронеж давлат университети (Россия), Қазак университетида кенг кўламда тадқиқ этилмоқда.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5850-сонли Фармони. 2019 йил 21 октябрь. <https://lex.uz/docs/4561730>

<sup>2</sup> [https:// bizcjmm.uark.edu.nonverbal](https://bizcjmm.uark.edu/nonverbal); [https:// www.verywellmind.com](https://www.verywellmind.com); [https:// heepquide.org](https://heepquide.org)>n; <https://winded.com>> nonverbal; [https:// blog.talaera.com](https://blog.talaera.com); <https://fideliotranslations.com>; <https://www.russianpod.101.com>; <https://www.babla.ru>>английский-русский>non-verbal.

1644 йили Англияда Д.Бульвер паралингвистик воситалар хақида тадқиқот олиб борган бўлса, кейинчалик имо-ишораларни илмий ўрганишга тизимлаштиришга, тартибга солиш ва мазмун-моҳиятини англатишга эътибор қаратилиб, изоҳли луғат яратиш масаласи ўртага ташланган. Инглиз тадқиқотчилари просодия, интонация, овоз оҳанги ва товуш баландлиги каби воситаларни ўрганиб, **paralinguistics, paralanguage, body language** деб номлаганлар. Усмонли турк тилида **sözsüz iletişim, beden dili** деб номланиб, – инсонлардаги сўзсиз новербал мулоқот шакли (*sessiz nonverbal iletişim*) деб юритилади.

V.Muller луғат тузиш кераклигини айтса, F.Poyatos новербал воситаларнинг коммуникациядаги ўрни масаласига тўхталади. Турк тилшунослари İ.Yildirim, U.Eriş, F.Akaу асарларида асосий эътибор экстралингвистик воситаларга қаратилган бўлса, рус тилшунослик мактаби вербаллашув масаласини кенг равишда тадқиқ этади. Шунингдек, сукутнинг коммуникатив вазифаларини кўрсатиб ўтади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фердинанд де Соссюр тилшуносликни ташқи ва ички турларга ажратиб, гарчи ўзининг назарий хулосаларини ички тилшунослик борасидаги қарашлари орқали баён қилган бўлса-да, интра ва экстралингвистикани диалектик боғлиқ ҳолда ўзаро алоқадорликда эканини эътироф этади. Шунга кўра XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб вербал воситаларни новербал воситалар билан бир қаторда ўрганишга эътибор кучайди, тилга прагматик ёндашув натижасида жаҳон тилшунослигида паралингвистика тилнинг йўналиши сифатида тадқиқот объектига айланди. Бунинг натижасида жаҳон тилшунослигида новербал воситалар бўйича Ф.Пойатос, Г.Трейгер, Д.Шифрин, И.Йилдирим, Д.Эрйилмаз, Ф.Мандал кабилар, рус тилшунослигида Г.Колшанский, И.Н.Горелов, Е.Д. Поливанов, Г.Крейдлин, Р.К.Потапова, В.В.Потапов, В.А.Пронников, И.Д. Ладанов, И.Кузнецов, Ж.Мессинжер, Л.И.Дмитриева, Л.Н.Клокова, В.В.Павлова, Т.Н.Пыркина, С.А.Гарькавец, М.Л.Бутовская, Т.Николаева, Б.Успенский, Р.Якобсон, А.Реформатский, Т.Власова, А.Пиз, Б.Пиз, Е.Борисова каби олимлар<sup>3</sup> тадқиқот олиб бордилар.

---

Басова А., Егоров С. История сурдопедагогики. –М.: 1984.– С.21; Muller V. Modern English-Russian Russian-English Dictionary. –М.: Цитадель-трейд, 2009; Cambridge Advanced Learner's Dictionary. Third edition. Cambridge University Press, 2008 (э.л.вер., мурожаат санаси: 26.03.2020); Yildirim İ. İletişim. Üçüncü kısım. – Ankara: Hacettepe Üniversitesi, 2017. –S. 19; Eriş U. İletişim bilgisi. Ünite 3.– Eskişehir: Anadolu Üniversitesi, 2012. –S. 51; Poyatos F. Nonverbal communication across disciplines: Vol. II: Paralanguage, kinesics, silence, personal and

environmental interaction. –Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins P.C., 2002;

<sup>3</sup> Қаранг: Poyatos F. Nonverbal Communication across Disciplines. Amsterdam/ Philadelphia. John Benjamins B.V., 2002; Trager G. The typology of paralanguage. Anthropol. Linguist. 3 (1), 1961; Schiffrin D. Approaches to Discourse. –Oxford: Blackwell, 1994; Yildirim İ. İletişim. Üçüncü kısım. Hacettepe Üniversitesi, 2017; Eryılmaz D., Darn S. A Nonverbal Communication Lesson. –Izmir: CELTA, 2005; Mandal F. Nonverbal Communication in Humans//Journal of Human in the Social Environment, № 24 (4) 2014. – P. 417-421; Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974; Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. – С. 112; Поливанов Е.Д. По поводу «звуковых жестов» японского языка // Статьи по общему языкознанию. – М.: Наука, 1968. – С. 295-306; Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: язык тела и естественный язык. – М.: Новое литературное обозрение, 2002. – С. 592; Крейдлин Г.Е. Мужчины и женщины в невербальной коммуникации. – М.: Языки славянской культуры, 2005. – С. 224; Потапова Р.К., Потапов В.В. Язык, речь, личность. – М.: Языки славянской культуры, 2006. – С. 496;

Ўзбек тилшунослигида бу борада А.Нурмонов, А.Абдуазизов, С.Мўминов, Ш.Сафаров, Ш.Искандарова, М.Саидхонов, Д.Абдуазизова, М.Курбонов, Б.Аҳмедов, М.Бурханова, Н.Хурсановлар<sup>4</sup> илмий тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш ўринли.

Юқорида келтирилган муаллифлар асарларида, асосан, алоқа-аралашув жараёни ва унда новербал воситаларнинг ишлатилиши ҳақидаги қарашлар баён этилган. Паралингвизмларнинг вербаллашуви, бадий асарларда қўлланиши, матний хусусиятлари, шунингдек, ишора феъллари, уларнинг семантик ва структур ўзига хосликлари ва матнда ишлатилиши масалалари рус тилшунослигида тадқиқ объекти бўлган эса-да (Е.М.Верещагин, В.Г. Костомаров, Л.М.Шелгунова, Е.В.Красильникова, В.В.Богданов, Н.В. Накашидзе, Е.Я.Кедрова)<sup>5</sup> ўзбек тилшунослигида бу борада монографик йўсинда тадқиқот олиб борилган эмас.

---

Пронников В.А., Ладанов И.Д. Язык мимики и жестов. – М. 1998. – С. 212; Кузнецов И.Н. Мимика и жесты. – Минск. 2007. – С. 238; Мессинжер Ж. Словарь жестов. – М.: РИПОЛ классик, 2015. – С. 720; Дмитриева Л.И., Клокова Л.Н., Павлова В.В. Словарь языка жестов. – М.: 2003. – С.320;

Пыркина Т.Н. Вербальные и невербальные средства выражения согласия и несогласия в речи на неродном языке: дисс. ... канд. филол. наук. – Череповец. 2016. – 254; Гарькавец С.А. Тактильно-кинестическая система человека и ее роль в межличностной коммуникации. – Луганск: Ноулидж, 2012. – 184; Гарькавец С.А. Психология невербального общения. – Северодонецк: Петит, 2015. – С. 214; Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс-культурные основы невербальной коммуникации человека). – М.: Научный мир, 2004. – С. 440; Николаева Т., Успенский Б. Языкознание и паралингвистика // Лингвистические исследования по общей и славянской типологии. – М.: Наука, 1966; Якобсон Р. Избранные работы. – М.: Просвещение, 1985.–С. 460; Реформатский А. Введение в языкознание. – М.: Аспект Пресс, 1996. – С. 536; Власова Т. Повышение коммуникативной эффективности судебного дискурса с помощью невербальных средств воздействия // Филологические науки. Вопросы теории и практики. № 1, –Тамбов, 2010. – С. 69-74; Борисова Е. Вербализация жестов касания в современном английском языке. Вестник МГЛУ 3 (714), 2015. – С. 40-52; Пиз А. Язык телодвижений. – М.: Эксмо-през, 2003. – С. 82. (элект. версия: URL:<https://www.libfox.ru/360798-allan-piz-yazyk-telodvizheniy-kak-chitat-mysli-okruzhayushchih-po-ih-zhestam.html>).

<sup>4</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 416 б.; Абдуазизов А. О статусе и критериях установления паралингвистических средств // Филологические науки, 1980, № 6. – С. 66-71; Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, № 2. – 24-28- б.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. – 140 б.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. док-ри дисс. – Тошкент, 2000. – 236 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2008, – 300 б.; Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – 83 б.; Курбанов М.А. Ўзбек, усмонли турк, инглиз ва рус тилларида новербал мулоқотни ифодаловчи воситалар тадқиқи. Филология фан. бўйича фалсафа доктори дисс. – Андижон, 2021. – 153 б.; Аҳмедов Б. Р. Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. – Андижон, 2021. – 153 б.; Бурханова М.М. Креолизатив матнларнинг паралингвистик тахлили. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Фарғона, 2022. – 56 б.; Хурсанов Н. Драматик дискурса вербал ва новербал компонентлар муносабати: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Андижон, 2022. – 144 б.

<sup>5</sup> Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. О своеобразии отражения мимики и жестов вербальными средствами // Вопросы языкознания, 1981, 1. – С. 36-47; Шелгунова Л.М. Взаимоотношение языковых и параязыковых факторов в романе Л.Н.Толстого “Воскресенье” // Филологические науки, 1978, 3. – С. 70-79; Красильникова Е.В. Жесты и языковые фразеологизмы // Из опыта создания лингвострановедческой пособий по русскому языку. – М.: МГУ. 1977. – С. 23-35.; Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение. – Калинин, 1987. – С. 18-25.; Накашидзе Н.В. Вербальная интерпретация паралингвистических средств в тексте // Лингвистика текста: Сб. трудов. — М.: МГПИИЯ, 1979. – Вып. 141. – С. 61-72; Кедрова Е.Я. Вербальное обозначение жестов персонажей при передаче прямой речи в художественной речи: (На материале прозы А.П. Чехова): Дис. канд. филол. наук. – Ростов н/Д, 1980. – С. 168.

Ушбу диссертацияни ёзишда ўзбек ва жаҳон тилшуносларининг илмий-назарий қарашлари эътиборга олиниб, коммуникатив вазифа бажарувчи паралингвистик воситаларнинг лисоний ифодаланиши хусусидаги фикрлар билдирилди. Бугунга қадар бажарилган ишларнинг эътибордан четда қолган жиҳатлари тадқиқ ва таҳлил этилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилни система сифатида тадқиқ этиш, татбиқий тилшунослик, когнитив тилшунослик” мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатилувчи новербал воситаларнинг лисоний ифодасини аниқлаш, вербаллашув жараёнини ва матний хусусиятларини, ишора феълларининг лексик-семантик гуруҳ сифатидаги мақомини, семантик, структур ва услубий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилни систем-структур ва семантик-функционал тадқиқ этиш натижасида ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатилувчи ишораларни прагматик ва лисоний жиҳатдан таҳлил этиш натижасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

нутқий актнинг юзага чиқиши ва прагматик маънонинг ифодаланиши;

ўзбеклар алоқа-аралашуви ва унда вербал ҳамда новербал воситалардан фойдаланиш;

сукут феноменини алоқа-аралашув воситаси сифатида изоҳлаш ва бадий матнда ишлатилишини ва маъноларини аниқлаш;

новербал воситаларнинг вербаллашуви ва лисоний ифодаланишини тадқиқ этиш;

ишора феълларининг феъл лексик-семантик гуруҳидаги мақомини белгилаш ва унинг номинатив, семантик, структур ва услубий жиҳатларини аниқлаш;

ишора феълларини соматик фраземалар билан қиёсий ўрганиш;

бадий матнда нутқий-ишоравий фаолиятнинг берилишини таҳлил қилиш;

нутқий-ишоравий фаолиятнинг муаллиф нутқида, ўзлаштира гапта, кўчирма гапта, муаллиф ремаркасида, муаллифнинг ишора шарҳлари ифодасида, муаллифнинг киритма ифодасида, персонажнинг новербал нутқий фаолияти кўринишларида берилишини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўзбеклар нутқий мулоқотида қўлланувчи новербал воситаларнинг вербал ифодаланиши ва бадий матнда ишлатилишидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** новербал воситаларнинг вербаллашуви ва ишораларнинг бадий матндаги структур ва семантик хусусиятлари тадқиқи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёслаш, интерпретация, тавсифлаш, лингвопрагматик, лингвокультурологик, когнитив, психологик, дискурсив, статистик, контекстуал таҳлил каби лингвистик, шунингдек, кузатув, анализ, синтез каби умумфалсафий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ўзбек тилшунослигида илк бор алоқа-аралашувда ишлатиладиган вербал ва новербал воситалар биргаликда илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши натижасида:

адресант томонидан узатилаётган ахборотнинг адресатга тўла ва мукамал етиб боришида маъно ифодаловчи овознинг сифатий ўзгаришларининг аҳамияти беқиёс экани асосланган;

ўзбек мулоқоти нафақат нутқий йўл билан, балки нонутқий воситалар билан ҳам ифодаланиши, алоқа-аралашув жараёнида паралингвистик воситалар ҳам аҳамиятли экани: коммуникацияда овоз сифати билан боғлиқ фонацион, киши юз ўзгаришлари асосидаги мимик, инсон органларининг маъно ифодаловчи ҳаракатларини ўз ичига олган кинетик новербал воситаларнинг вербал ифодаланиши лисоний жиҳатдан очиб берилган, уларнинг мос равишда тил бирликлари билан берилиши асосланган;

нутқий алоқа-аралашув жараёнида пропозиционал ва прагматик компонентларнинг барчаси вербаллашмаслиги, балки вербал ифодалар билан коммуникатив ва семантик жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлиши, бу жиҳатдан алоқа-аралашув жараёнининг шаклланишида ва рўёбга чиқишида, адресант ва адресатнинг фикр алмашинувида “сукут” (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал восита сифатида иштирок этиши, сукут ҳолатининг коммуникатив акт доирасидаги *инкор, розилик, қўрқинч, ҳаяжон, хиёлат бўлиши, ҳурматсизлик, чарчаганлик, тушунмаслик, билмаслик* ва бошқа контекстуал маънолари аниқланиб, бадиий матн таҳлили асосида исботланган;

ўзбек тилида новербал воситаларнинг лисоний ифодаси бўлмиш ишора (имо-ишора) феълларининг феъл лексик-семантик гуруҳи сифатида мақоми белгиланган, номинатив, структур ва семантик жиҳатдан асосланган ва матнда ишлатилиш қонуниятлари далилланган;

ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатиладиган имо-ишоралар, фонацион-просодик новербал воситаларнинг (пауза, оҳанг, ритм, тон, урғу кабилар) нутқий коммуникациядаги аҳамияти кўрсатилган ва исбот қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувда ички ва ташқи тилшуносликнинг диалектик тарзда ўрганилиши, нутқий мулоқот табиий равишда турли маъно билдирувчи киши хатти-ҳаракатлари билан кузатиб борилиши, фикр ифодалашда сўз ёки гап талаффузида фонацион новербал воситаларнинг ишлатилиши узатилаётган ахборотнинг мукамаллигини таъминлаши мисоллар билан асосланган.

Коммуникатив акт доирасига кирувчи новербал воситаларнинг ишлатилиш ўринлари, ифода этган мазмуни, функционал турлари жаҳон тилшунослиги андозалари асосида тасниф этилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, нутқий мулоқотда фаол қўлланувчи сукут ва унинг маънолари мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

Новербал воситаларнинг вербал ифодаси бўлмиш ишора феъллари феъл лексик-семантик гуруҳи сифатида номинатив, семантик, структур, матний жиҳатдан таҳлил қилинган ва мос равишда хулосалар чиқарилган.

Нутқий-ишоравий фаолиятнинг бадиий матнда ишлатилиши турли жиҳатлардан таҳлилга тортилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, чиқарилган хулосалар, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий фикрларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда келтирилган нутқий мулоқот ва прагматика, новербал воситаларнинг вербаллашуви, ишора феъллари ва унинг мақомини аниқлаш ҳамда матний хусусиятлари ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам ўзбек паралингвистикаси, ҳам ўзбек функционал тилшунослиги ва матншунослигини назарий бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Ушбу тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коммуникатив акт доирасига кирувчи новербал воситалар, уларнинг лисоний ифодаси, матний хусусиятлари лингвомаданиятшунослик, нутқ маданияти, прагмалингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика, бадиий матннинг лисоний таҳлили фанлари бўйича яратиладиган ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашуви учун хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатилувчи новербал воситаларнинг лисоний ифодасини аниқлаш, вербаллашув жараёнини ва матний хусусиятларини текшириш бўйича олинган натижалар асосида:

адресант томонидан узатилаётган ахборотнинг адресатга тўла ва мукамал етиб боришида маъно ифодаловчи овознинг сифатий ўзгаришларининг аҳамияти хусусидаги хулоса ва натижалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда таъсирчанликни ошириш, узатилаётган ахборотнинг тингловчига тўлақонли ва самарали етиб боришини таъминлашда ЎзР ОМ ҳузуридаги жамоат фондининг 47-13/164 рақамли “Ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш борасида материаллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2022 йил 27 октябрдаги 04/5-10/66-сон маълумотномаси). Натижада нотиклар нутқининг самарадорлиги ортган ва тарғибот ишлари муваффақиятли амалга оширилган;

Ўзбек тилида новербал воситаларнинг лисоний ифодаси бўлмиш ишора (имо-ишора) феълларининг феъл лексик-семантик гуруҳи сифатида мақоми белгиланиб, номинатив, структур ва семантик жиҳатдан асосланган ҳамда матнда ишлатилиш қонуниятларига оид натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Маънавий ва маърифат марказининг Андижон вилояти бўлимида нотик ҳамда маърузачилар унумли фойдаланганлар (Ўзбекистон Республикаси Маънавий ва маърифат марказининг 2022 йил 19 августдаги 02/02/1276-сон далолатномаси). Натижада нутқий ахборотга ёрдамчи сифатида имо-ишоралардан фойдаланиш таъсирчанликни оширган ва табиийликни ифода этган;

Ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатиладиган имо-ишоралар, фонацион-просодик новербал воситаларнинг (пауза, оҳанг, ритм, тон, урғу кабилар) нутқий коммуникациядаги аҳамияти ва бадиий матндаги лисоний ифодаланиши ҳақидаги илмий қарашлари ва хулосаларидан ушбу эшиттиришларнинг мазмуни бойитилган. “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпания “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2022 йил 23 июндаги 04-36-986-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган, видео ва аудиоахборотларнинг таъсирчанлик даражаси ортган;

сукут ҳолатининг коммуникатив акт доирасидаги *инкор, розилик, қўрқинч, ҳаяжон, хижолат бўлиш, ҳурматсизлик, чарчаганлик, тушунмаслик, билмаслик* ва бошқа контекстуал маънолари каби масалалар, шунингдек, сахнада ўзини тутиш маданияти бўйича илмий-назарий хулосалардан Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 9 сентябрдаги 01-24/188-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар мазмунан бойиб, телетомошабинларда паралингвистик маданиятнинг шаклланишига туртки бўлган;

кишилар ўртасидаги мулоқот маданиятига риоя қилиш, адаб (этикет) қоидалари, анъаналар, урф-одатлар асосида ёндашув маънавий бегоналашувнинг олдини олишини эътиборга олиб, тадқиқот материаллари ва натижаларидан Андижон давлат университетида бажарилган ОТ-Ф-1-17-сон “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. Андижон давлат университети маъмуриятининг 2022 йил 6 октябрдаги 39-04-2519-сон маълумотномаси). Натижада инсонлар ўртасида самарали мулоқот ташкил этилган ва маънавий бегоналашувнинг олди олинган;

Ўзбек мулоқотида овоз сифати билан боғлиқ қўшимча маънони ифодалаш, кишининг мимик ва кинетик ҳаракатлари орқали турли эмоционал, экспрессив ва паралингвистик маъноларни узатиш ҳамда уларнинг бадиий матнда берилиши ҳақидаги хулосалардан Инновацион

ривожланиш вазирлигининг 2021–2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли амалий лойиҳасида фойдаланилган. (Андижон давлат университетининг 2022 йил 26 сентябрдаги 39-38-2421-сон маълумотномаси). Натижада Чўлпон асарлари манбаларининг лингвистик тадқиқи ва таҳлили амалга оширилган бўлиб, “Ёрқинроқ порласин Чўлпон юлдузи” (Янги ўзбек адабиётининг шаклланиши ва такомилида Абдулҳамид Чўлпон ижодининг ўрни. Андижон. 2022. 347-353-бетлар) деб номланган мақола эълон қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида эълон қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 2 та монография, жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари 247 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Прагматика ва нутқий актнинг юзага чиқиши”** деб номланган биринчи бобида лингвистик прагматика ва нутқий актнинг юзага чиқишида тилга антропоцентрик ёндашув бўйича фикрлар баён этилган ва мисоллар билан далилланган.

Тил тадқиқига антропоцентрик ёндашув натижасида тилшуносликнинг ўрганиш объекти янада кенгайтирилади ва бу тил илмини ўрганишда нуқтаи назарни ҳам ўзгартирди. Натижада тилшуносликда тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва инсон руҳияти, оламни идрок қилиш ва оламнинг лисоний манзараси, тилда миллий-маданий, урфий-анъанавий қарашларнинг намоён бўлиши ва ифодаланиши, лисоний шахс ва унинг алоқа-аралашувда устувор экани ҳамда шахсий сифатлари масалаларига қизиқиш тобора кучайиб боришига асосий омил бўлмоқда.

Тилшуносликда инсон омили масаласининг қўйилиши ва шу изнда тадқиқотларнинг амалга оширилиши семантик-функционал ва прагматик йўналишларга эҳтиёжни кучайтирди

Профессор Ш.Сафаров таъкидлаганидай, тилда “семантика даври бошланди. Кейинчалик семантикадан прагматика “униб чиқа бошлади”<sup>6</sup>. Маълумки, структур тилшуносликда тилни у билан алоқадор бўлган бошқа контактлардан ҳоли қилиб ўрганилган. Семантик тадқиқот усули эса «изоляция принципи»ни олиб ташлади. Натижада тил ижтимоий-ҳаётий жараён ичида тадқиқ этила бошлади. У инсон ҳаётининг ажралмас қисми сифатида ўрганила бошланди. Бу борада Н.С.Степановнинг қуйидаги фикри эътиборга лойиқдир: «в своем главном стволе лингвистика всегда будет наукой о языке в человеке и о человеке в языке»<sup>7</sup>.

Тилнинг инсон томонидан яратилгани ва инсон учун хизмат қилиши тилшуносликда шахс тушунчасининг нечоғли аҳамиятли эканидан далолат беради. Инсон борлиқни билиш жараёнида оламдаги мавжуд барча унсурларни образлар орқали онгда акс эттиради ва инсон онгида акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. “Белги – бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир”<sup>8</sup>. Белгилар семиотиканинг ўрганиш объекти бўлиб, у бир қатор фанларнинг тадқиқида ҳам аҳамиятли саналади.

Лингвистик белгининг бошқа белгилардан фарқли томони – тил белгилар тизимидан иборат бўлгани учун унда фикр ифодаланади. Бошқа белгилар эса ахборот узатади. “Агар умумий семиотикани жамият ва табиатдаги белгилар тизимини ўрганувчи фан деб эътироф этилса, тил ва адабиёт семиотикасини шундай белгилар тизимини ўрганадиган фанлар қаторига киритиладики, унда фикр ифода этилади”<sup>9</sup>. Семиотика таркибида синтактика, семантика ва прагматика каби йўналишлар ажралди. Ҳар учала соҳа белгилар муносабатларини ўрганиб, белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатлари синтактика, белгиларнинг ифода этаётган объектга муносабати семантика, белгининг ундан фойдаланаётган субъектга бўлган муносабати прагматика деб номланади.

Ч.У.Моррис: “Прагматика белгининг ундан фойдаланувчи-интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир”<sup>10</sup>, - деб айтиб ўтади. Демак, прагматика учун ахборот эмас, балки уни сўзловчи томонидан узатиш ва тингловчи томонидан қабул қилиб олиш аҳамиятли саналади. Бу эса ўз-ўзидан экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлиб, мулоқотнинг амалга ошиш жараёни, ҳолат, коммуникантларнинг ўзаро бир-бирига муносабатлари, алоқа-аралашувда иштирок этаётган адресант ва адресатнинг

<sup>6</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, Ўзб МЭ Давлат илмий нашриёти. 2008. – 37-б.

<sup>7</sup> Степанов Ю.С. Эмиль Бенвенист и лингвистика по пути преобразований // Общая лингвистика. – М. 1974. – 15-б.

<sup>8</sup> Маслов Ю.С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками? – В.кн. Язык и мышление. – М., 1967. – С. 284.

<sup>9</sup> Степанов Ю.С. В мире семиотики. // Семиотика. – М.: Радуга. 1983. – С. 7.

<sup>10</sup> Моррис Ч.У. Основания теории знаков // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. – С. 62.

ижтимоий ва шахсий хусусиятлари, мулоқот пайтидаги кайфияти ва шу каби омилларга боғлиқ бўлади.

Тилшуносликнинг прагмалингвистик талқини нутқий фаолият билан боғлиқ бўлиб, бу пиравордида тилнинг келиб чиқиши, асосий вазифаси ва функционаллигининг марказий ўринда туришини тақозо этади. Инсон муайян тилнинг лексик бирликлари ва уларнинг семантикаси билан таниш бўлиши, сўзларни ўзаро синтактик алоқага кирита олиши мумкин эса-да, уларни ўз мақсади йўлида ишлата олмаса, ахборотга ўзининг ҳиссиётини, руҳиятини, имо-ишораларини қўша олмаса, ўз фикрини таъсирчан узата олмаса, кўзланган коммуникатив мақсад рўёбга чиқмайди.

Мулоқотнинг атрибути бўлмиш ва унинг таркибига кирувчи имо-ишоралар, инсоннинг ҳиссий-руҳий ҳолатининг ифодаланиши, фикр ифодалаш жараёнида овоздаги сифатий ўзгаришлар, просодик ҳодисалар – буларнинг барчаси антропоцентрик ёндашув тадқиқот усули натижаси десак, янглишмаган бўламиз. Бу эса мулоқот жараёнида ишлатилувчи имо-ишораларни ва, шунингдек, воқеликнинг ёзма ифодаси бўлмиш матнларнинг тадқиқида ҳам ишоралар, имолар ва бошқа фонетик ҳамда кинетик воситаларни ўрганишни тақозо этади.

Тилнинг вазифаси алоқа-аралашув воситаси сифатида қуруқ ахборотни узатишдан иборат бўлмасдан, бутун коммуникатив актни ўз ичига олади. Яъни сўзловчининг мулоқот мақсади узатилаётган ахборотнинг сифати ва адресат томонидан қабул қилиб олиниши, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабат, мулоқот амалга ошган ҳолат ва ҳ. к. Бу ўринда ахборотнинг қайтарзда узатилаётгани ва тингловчининг ахборотни қабул қилиб олиши катта аҳамият касб этади. Шунга кўра тил шакл сифатида баҳоланиб, инсон ҳаёти фаолиятининг усули, инсон тафаккури ва ҳаёт тажрибаларининг вербаллашуви, шахснинг ифода воситаси ва кишилар ўртасидаги ҳамкорликдаги фаолият маҳсули деб қаралмоқда.

**“Мулоқот ва унинг ифодаланиши”** деб номланган иккинчи бобда коммуникатив акт таркиби хусусида фикр билдирилиб, асосан, кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувда паралингвистик воситаларнинг ўрни ҳақида маълумот берилган. Бунда, энг аввало, ушбу йўналиш терминологиясига аниқлик киритишга эътибор қаратилган. Негаки турли тилларда фикр ифодалашга қўшимча сифатида баҳоланаётган ушбу ҳодиса “паралингвистик воситалар” (Г.В.Колшанский), “коммуникациянинг новербал воситалари” (И.Н.Горелов), “эмоционал интонация” (М.В.Давидов), “ёрдамчи тил”, “ишора тили” (П.О.Рачков), “экстернал (ташқи) маъно” (Диксон), “эмоционал кинема” (М.Д.Городникова), “экстралингвистик фактор” (Е.Я.Кедрова), “новербал хулқ” (В.А.Лабунская), “тана тили” (Б. Момынова), “*beden dili*” (Торғу Ҷ) каби номлар билан бериб келинмоқда. Бу эса тадқиқотнинг моҳиятини очиб беришда маълум маънода чалкашлик келтириб чиқариши мумкин. Бизнинг қарашимизча, паралингвистика терминини тилдаги ўзига хос йўналиш (подсистема) деб тушуниш ўринли бўлади. Зеро, паралингвистикани психоллингвистика, культуроллингвистика, социоллингвистика, менталингвистика ва б. шу каби тилнинг бошқа фанлар

билан кесишуви асосида таркиб топган йўналиш сифатида қабул қилсак, новербал воситалар фикр ифодалашда **нутқий алоқа-аралашувни** тўлдириб келувчи воситалар бўлиб, коммуникатив акт таркибида ишлатилади ва вербал (нутқий) воситага қарама-қарши қўйилади. (Юқоридаги Г.В.Колшанский асарлари таҳлилида “паралингвистика” термини новербал восита сифатида ҳам қўлланган). Демак, паралингвистика умумийлик, бутун муносабатини ифода этса, новербал восита хусусийликни, қисм муносабатини билдириб келади.

Ўзбекларда алоқа-аралашувда ишлатиладиган новербал воситаларга фикр англатишда қатнашувчи барча кинетик белгилар – ишоралар, тана ҳаракатлари; ахборот узатишда қатнашувчи юз ўзгаришлари: мимика, поза; овоздаги турли ҳолатлар: интонация, тембр, пауза, товуш бўёғи ва бошқалар киради.

Диссертациянинг ушбу бобида новербал воситалар (умумий олганда – ишоралар)нинг алоқа-аралашув жараёнида ишлатилиши билан боғлиқ тилшуносларнинг фикрларига муносабат билдирилган ва таснифлар тавсия этилган.

Ишоралар коммуникатив вазифасига кўра а) вербал ифоданинг ўрнида қўлланувчи, б) вербал ифодани кузатувчи ва тўлдирувчи, в) вербал воситалар билан бирга ишлатилиб, таъкидловчи турларга бўлинади.

Шунингдек, ишораларни соматик хусусиятларига кўра гуруҳлаган олимлар кинетик ифодада кишининг қайси органи фаол ва етакчилигига қараб бир неча таснифларни тавсия этадилар.

П.Якубинский нутқий коммуникацияни мимик, пантомимик, ва ишоравий–интонацион гуруҳларга бўлиш кераклигини айтиб ўтади<sup>11</sup>.

Г.Крейдлин ўзининг “НOVERбал семиотика” асарида новербал мулоқотнинг киши органларига кўра таснифланишини куйидагича белгилайди: паралингвистика (*новербал мулоқотнинг овоз кодлари*), кинесика (*имо-ишора ҳаракатлари*), окулексика (*кўз ҳаракатлари*), аускультация (*инсонларнинг овоз оҳанги*), гаптика (*инсон гавда қисмига тегиниши*), гастика (*озик-овқат ва ичимликлар белгиси ёки таъм билиши*), ольфакция (*ҳид билиши орқали мулоқот*), проксемика (*мулоқот майдони*), хронемика (*мулоқот вақти*), системология (*инсонни ўраб турган атроф-теварак*)<sup>12</sup>.

Турк олими профессор И.Йилдирим сомакинемаларни 10 гуруҳга ажратса<sup>13</sup>, И.Алиев мулоқот жараёнининг самарали кечишида 4 йўналишни таклиф этади: 1. Мулоқотнинг визуал воситалари. 2. Мулоқотнинг акустик воситалари. 3. Тактил – кинестик воситалар. 4. Альфактор воситалар<sup>14</sup>.

М.Курбанов новербал мулоқот компонентларини 18 гуруҳдан иборат эканини айтиб ўтади<sup>15</sup>.

<sup>11</sup> Якубинский Л.П. О диалогической речи // Русская речь. – Петербург., 1923. – Вып. 1. – С. 96-194.

<sup>12</sup> Крейдлин Г. Невербальная семиотика. – М.: Новое литературное обозрение, 2002. – С. 22.

<sup>13</sup> Yildirim İ. İletişim. Üçüncü kısım. Hacettepe Üniversitesi, 2017.

<sup>14</sup> Алиев И. Педагогика ва психология. – Тошкент: Fan va texnologiya. 2012. – Б. 112.

<sup>15</sup> Курбанов М. Ўзбек, усмонли турк, инглиз ва рус тилларида новербал мулоқотни ифодаловчи воситалар тадқиқи. Филология фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Андижон, 2022. – 26-б.

Новербал воситаларнинг олимлар томонидан турли жиҳатлардан ўрганилиши ва таснифланишига муносабат билдирган ҳолда, биз ушбу ишимизда нонутқий коммуникатив воситаларни соматик жиҳатдан кинетик, мимик ва аралаш турларга бўлишни лозим топдик ва ишда уларнинг ифода маънолари, нутқий ва матний жиҳатларини таҳлилга тортдик.

Кейинги йилларда сукут феноменига тилшуносларнинг эътибори ортиб бормоқда. Негаки сукут коммуникатив акт таркибида ахборот узатишда аҳамиятли унсур сифатида тадқиқ этилмоқда. Сукут нутқий мулоқотсиз мазмунсиз бўлганидай, нутқий мулоқот ҳам сукутсиз ғариб, номукамал бўлади.

Алоқа-аралашув жараёнининг шаклланишида ва рўёбга чиқишида, адресант ва адресатнинг фикр алмашинувида “сукут” (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал восита сифатида иштирок этади. Новербал воситалар белги сифатида маълум ахборотни билдириш учун ишлатилар экан, ҳар қандай ҳолат Г.В.Колшанский таъбирича, “умумий паралингвистик воситадир”<sup>16</sup>.

Сукутнинг маъноси конкрет нутқий акт доирасида аниқланади. Сукут новербал восита сифатида бошқа воситалардан (ишора, имо, овоз ўзгаришлари, тана ҳаракати ва б.) ўзининг шаклий ва коммуникатив жиҳати билан фарқланади. Энг эътиборли жиҳати сукут вазиятдан келиб чиққан ҳолда бир неча маъно ифодалаб келиши мумкин.

*Отам ўшанда ҳовлимизда у ёқдан бу ёққа юрарди, муштини тугиб, бир нималар деб гудрангани ҳам элас-элас ёдимда. Кейин оғир сукунат бошланди.* (Ш.Ҳайитохунов.)

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги персонажларнинг ўзаро мулоқоти жараёнини кузатганимизда, улар сукутда бўлган ҳолатларида ўзаро *гаплашадилар*, улардаги табиий-ҳиссий ҳолатлар, мимик ва ишоравий ўзгаришлар, овозларидаги маъно ифодаловчи талаффуз ремаркалар орқали берилади ва китобхон уни ўқиб, кўргандай ва эшитгандай бўлади ва натижада матн воқеалари китобхонга жонлидай туюлади.

*“Мирёқуб кирган ҳамон салом қилди ва худди эски бир ошнаси билан кўришаётгандай қулиб туриб кўришди. Хотиннинг қўл беришида шу хил хотинларда бўладиган бир лоқайдлик бориди. Совуқ қўл совуқлик билан узалади: “Ҳа, эски танимнинг янги харидори”, – дегандай. Мирёқубнинг одатда ҳамма қўлни маҳкам сиқиб кўришадиган қўллари бу кичкинагина оппоқ ва юмишоқ қўлларни ҳам куч борича сиқдилар. Фақат бу қисмилар оловсиз ва ҳароратсиз эдилар: “Ҳа, чуқур чўнтагимнинг очкўз меҳмони” дегандай*. (Чўлпон.)

Ушбу матн орқали зимдан алоқа-аралашув юзага чиқмоқда. Бошқача айтганда, нутқий бўлмаган мулоқот шаклланмоқда. Персонажлар ўртасида қўл бериб кўришиш хатти-ҳаракати ортида ҳиссий, руҳий, имо-ишоравий “диалогик нутқ” амалга оширилмоқда.

<sup>16</sup> Колшанский. Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука. 1974.– С. 59.

Кўриниб турибдики, Чўлпон инсон руҳиятини ўта нозик тушунган ва буни бадий матнда таъсирли ҳолатда бера олган.

Д.Қурононов: “**Чўлпонни тушуниш** (асарга муаллиф юклаган мазмунни тушуниш аслида муаллифни тушуниш демакдир – М.С.) учун асарни контекстда ўрганиш лозим”лигини айтиб ўтади<sup>17</sup>.

Чўлпон кўришиш жараёнини тасвирлар экан, ҳали нутқий коммуникацияга киришмаган коммуникантларнинг ички фикрлашларини уқиб, китобхонга ҳавола қилади: “*Ҳа, эски танимнинг янги харидори*”, “*Ҳа, чуқур чўнтагимнинг очкўз меҳмони*”.

Бадий асарлардан олинган матн парчалари таҳлили шуни кўратадики, сукут дискурсив ҳодиса бўлиб, коммуникатив акт доирасида контекст ва вазият тақозоси билан турли маъноларни ифодалаш учун ишлатилади.

Тадқиқотнинг “**Новербал воситаларнинг вербаллашуви**” деб номланган учинчи бобида мулоқот жараёнида ишлатиладиган имо-ишора ва бошқа кўшимча маъно билдирувчи воситаларнинг лисоний бирликлар билан ифодаланиши баён этилган.

Тадқиқотчилар фикрича, оғзаки нутқ структур жиҳатдан ахборот узатиш бўйича ёзма нутқдан фарқ қилади.”Агар ёзма нутқда ахборот узатиш канали битта бўлса (матннинг ўзи), оғзаки нутқда иккита ахборот узатиш канали бор: а) талаффуз қилинаётган сўз орқали берилаётган ахборот; б) эшитувчи сўздан англаб оладиган ахборотни нутқий реал ҳолатдаги сўзлар ва унинг талаффузи билан алоқадорликда ифодайдиган ахборот”<sup>18</sup>. “Новербал сигналларни уқиб олиш мулоқотнинг самарали чиқишида асосий омил сифатида қаралади”, – деб таъкидлаган Г.Г. Молчанова америкалик социопсихолог А.Мехрабиананинг шахслараро коммуникациядаги вербал ва новербал воситаларнинг алоқа-аралашувдаги нисбати ҳақидаги машҳур моделини эътиборга ҳавола қилади: “55 – 38 – 7”. 55% – новербал восита (ишора), 38% – овоз, – пара/экстралингвистика ва фақат 7% – талаффуз қилинган сўз маъноси»<sup>19</sup>

Новербал коммуникация бадий матнда тил воситалари билан ифодаланар экан, улар муайян сўзлар, ишора феъллари, сўзлар кўшилмасидан иборат бўлади. Ушбу лисоний воситаларнинг семантикаси, тузилиши, грамматикаси, услубий ишлатилиши, матн таркибида қўлланиши каби жиҳатлар тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Бу эса новербал воситаларнинг вербаллашуви билан боғлиқ назарий хулосаларни чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Новербал воситаларнинг вербаллашуви масаласини ўрганиш мақсадида бадий матнлардан 5000 га яқин мисоллар (картотека) таҳлил қилинди ва илмий тадқиқ этилди. Шу нарса аён бўлдики, новербал воситанинг вербаллашуви муайян лисоний бирликлар орқали, шунингдек, сўзларни бириктириш ёрдамида ва муаллифларнинг эркин бирикма ҳосил қилишлари

<sup>17</sup> Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент.: Шарқ. 2004. – 105-б.

<sup>18</sup> Хроленко А.Т. Введение в филологию: учеб. пособие. – М.: Наука, 2015. – С.49.

<sup>19</sup> Молчанова Г.Г. Когнитивная невербалика как поликодовое средство межкультурной коммуникации: кинесика // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. 2014. №2.– С. 16.

натижасида ҳосил қилинган. Новербал воситаларнинг персонажлар характери очиб беришда аҳамиятли экани, коммуникантларнинг реал мулоқот жараёни қай даражада вербаллашгани, новербал воситаларнинг бадиий матндаги лексик бирликлар билан берилиши тизимли тадқиқ этишни тақозо қилади.

Маълумки, новербал воситалар мулоқотда ишлатилишига кўра: коммуникатив ҳолат билан боғлиқ ва коммуникатив ҳолат билан боғлиқ бўлмаган турларга бўлинади. Ишда, асосан, коммуникатив акт доирасидаги новербал воситалар таҳлилга тортилди. Шунингдек, вербаллашган бирлик бир сўзли (сукут, йиғи, кулги..., инсоннинг ҳиссий, руҳий ҳолатини ифодаловчи: *қалтирамоқ, йўталмоқ, қизармоқ, оқармоқ; лол қолиш, кўрқув, шодлик ...*), икки сўзли (киши органи ва унинг ҳаракати – *кўз қисмоқ, бошини ликиллатмоқ, тишини гижирлатмоқ, бармоқларини панжара қилмоқ*) ёки кўп сўзли (тасвирий ишоралар – *бош бармогини тик қилмоқ, кўрсаткич бармоғида чаккасини бурамоқ, кўрсаткич бармогини лаби устига босмоқ / қўймоқ*) бўлиши мумкин. Булар тилда ишоранинг ифодаловчиси (бирлик сифатида қабул қилинган) ёки ёзувчи томонидан ифодаланган бўлиши мумкин.

Биз тадқиқ объекти сифатида таҳлилга тортган имо ва ишора ифодаловчи феълларнинг лексик-семантик гуруҳи тилнинг семантик тизимида типологик ва универсал жиҳатлари билан бошқа бирликлардан фарқланади.

Тилда ҳеч бир сўз йўқки, у тилнинг умумий системасидан ташқарида бўлса. Лексикада тизимлилик масаласининг энг ёрқин кўриниши сўзларнинг семантик гуруҳланишида намоён бўлишини ва бу ўринда лексик-семантик гуруҳлар аҳамиятли эканини Э.В.Кузнецова таъкидлаб ўтади<sup>20</sup>. Бу эса, ўз-ўзидан, ҳар бир тилда мавжуд ЛСГ ларни аниқлашни тақозо этади. ЛСГ семантик жиҳатдан ўзаро алоқадор элементларнинг бирлашишини ифодалаб, мазмун планида семаларнинг минимал чегара доираси гуруҳини ташкил қилар экан, демак, улар муайян туркум доирасида бўлади.

Жаҳондаги айтарли барча тилларда феъл туркумига оид сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларга ажратилиши бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилганки, уларда ички муаммоларни, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини кузатиш мумкин. Бу эса тадқиқ объектининг барча тил учун кенг қамровли, мураккаб эканидан далолат беради. Биргина рус тилида Л.Г.Бабенко, Н.А.Боровикова, Л.М.Васильев, Р.М.Гайсина, Л.Ф.Клеопатрова, Э.В.Кузнецова, З.В.Ничман, Т.И.Новоселова, В.В.Морковкин, В.П.Москвин, Т.В.Попова, Ю.В.Фоменко ва яна бир қатор тадқиқотчилар турли нуқтаи назарлардан феъл ЛСГларига оид тадқиқотлар олиб борганлар, лекин имо-ишора феъллари алоҳида ЛСГ сифатида ажратилмаган. Шунингдек, туркийшуносликка оид тадқиқотларда ҳам феъл,

---

<sup>20</sup> Кузнецова Э.В. Грамматические классы и лексико-семантические группы слов // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. – НГУ, 1974. – С. 40.

фeyлларнинг маъно хусусиятлари, услубий жиҳатлари хусусидаги асарларда ҳам имо-ишора ифодаловчи фeyллар алоҳида гуруҳ сифатида кўрсатилмаган.

Туркий тилларда фeyлнинг маъно хусусиятлари Г.К.Кулиев, С.А.Ризаев, Н.К.Дмитриев, Н.З.Гаджиева, Э.Р.Тенишев, В.Ф.Вещилова, А.А.Юлдашев, И.Кўчқортоев, К.Холиқов, К.Р.Раҳмонбердиев, А.А.Цалкаламанидзе, М.Содиқова, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева, С.Муҳаммедова, Ў.Шарипова каби олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, фeyл лексемалар уларда фeyл маъно гуруҳлари, лексик-семантик гуруҳлар, лексик-грамматик гуруҳлар тарзида ажратилган ва гуруҳлаш тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарлари асосида амалга оширилган.

Туркий тилларда фeyлларни семантик жиҳатдан таснифлашда ҳар хилликни кузатиш мумкин. Н.К.Дмитриев таъбирича, туркий тилларда фeyллар 4 семантик гуруҳга бўлинса [1) нутқ фeyллари, 2) сезги фeyллари, 3) фаолият фeyллари, 4) ҳаракат фeyллари)], К.Холиқов номинатив маъносига кўра ўзбек тилидаги фeyлларни 5 гуруҳга бўлишни таклиф этади [1) ҳаракат фeyллари, 2) субъект таъсирида турли ўзгаришларга учровчи фeyллар, 3) ҳаётий жараёни ифодаловчи фeyллар, 4) ҳолат фeyллари, 5) эришиш маъносини билдирувчи фeyллар)]. Тадқиқотчи кейинги илмий ишларида “ҳали илмий тадқиқотга мансуб қатор фeyл разядлари мавжуд, шунингдек, фeyлларнинг лексик-семантик таснифи, уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари атрофлича ўрганилиши зарур”, – эканини таъкидлайди ва “Ўзбек тилидаги фeyлларнинг семантикасига доир” деб номланган мақоласида туб семантик белгиларига кўра фeyлларни 12 лексик-семантик гуруҳга бўлади<sup>21</sup>.

Фeyлларнинг семантик гуруҳланишидаги ҳар хилликларни М.Содиқова қуйидагича изоҳлайди: “табиатдаги юз берадиган турли ҳаракатлар, ҳолатлар, сезиш ва таъсирланиш ҳодисалари бениҳоя турли-туман, мураккаб ва майда”дир.

“Бундай ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси тилда фeyл формалари орқали ифода этилади. Бас, шундай экан, уларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш, хилларга ажратиш ҳам ўз-ўзидан катта қийинчиликларга олиб келади ва турлиликларни келтириб чиқаради”, – деб ёзади ва фeyлларни Р.М.Гайсина каби 3 катта гуруҳга ажратади: 1. Ҳаракат фeyллари. 2. Ҳолат фeyллари. 3. Муносабат фeyллари. Ҳаракат фeyлларини таҳлил қилар экан, М.Содиқова уларни фаол ва пассив фeyллар гуруҳига бўлиб, фаол ҳаракат фeyлларига, асосан, инсон ҳаракатини киритади ва 1) оёқ ҳаракати, 2) қўл ҳаракати, 3) хатти-ҳаракатнинг ифодаланиши ва 4) гапириш ҳаракатига ажратади.

“Хатти-ҳаракат (қилиқ – жесьть) ва унинг ифодаланиш усуллари” гуруҳида субъект ўзининг психологик ҳолат ва муносабатини мимикадан ташқари яна турли “қўшимча хатти-ҳаракат билан ифодалайди”, – деб ёзади

---

<sup>21</sup> Холиқов К. Глаголы движения в современном узбекском языке. АҚД. – Самарканд. 1962. – 3-б.; Холиқов К. Ўзбек тилидаги фeyлларнинг семантикасига доир // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: ТДПИ, 1981. – 37-б.

ва экспрессив, модал муносабат хатти-ҳаракат, қилиқ (жестъ) орқали ҳам билдирилишини ва уларнинг маълум маъно ифодалашини таъкидлайди<sup>22</sup>

Олима докторлик диссертациясида феълларни гуруҳлашда кулги-мимика ҳаракатига хос феъллар гуруҳи ҳам бор эканини ва улар “инсоннинг эмоционал-экспрессив ҳолатларини акс эттиришини айтиб, 1) кулги феъллари, 2) мимик феъллар, 3) йиғлаш феъллари ва 4) кўз қарашларини ифодаловчи феъллар кичик гуруҳларига бўлади”<sup>23</sup>.

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқув қўлланмасида **ҳаракат** феъллари “юриш, таъсир этиш ва зарб бериш каби кўринишларда бўлиши, “қўл, оёқ, юз, оғиз, гавда билан боғлиқ ҳаракатларда ҳаракатланувчи объектлар яққол кўриниб туриши” айтилади. Келтирилган мисолларда **чапак чалмоқ**, (қўлини – М.С.) **пахса қилмоқ** каби ишоравий маъно ифодаловчи феъллар ҳам келтириб ўтилади<sup>24</sup>.

И.Қўчқортоев, Р.Расуловларнинг нутқ феъллари ва ҳолат феъллари семантикасига оид тадқиқотлари феълларни системавий-структур, валентлигига кўра ва компонент таҳлил қилиш бўйича ўзбек тилшунослигида катта воқеа бўлганини<sup>25</sup> айтиб ўтиш ўринли.

А.Собиров феъл лексемаларни мазмуний майдон нуктаи назаридан гуруҳлаштириб, Инсонга хос ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи феъл лексемалар таркибида “Инсоннинг тана аъзолари ҳаракат ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар”нинг мавзу тўдалари берилган ва унда **қўл, оёқ, тил, тиш, лаб, қош, пешона, қулоқ, юрак, қорин** ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар ўз ифодасини топган”<sup>26</sup>, – деб кўрсатиб ўтади.

Ишора феъллари юқорида келтирилган лексик-семантик гуруҳдаги феъллардан ҳам структур, ҳам семантик жиҳатдан фарқланиб, семиотик хусусият касб этади. Киши органи ҳаракати адресат учун рамзий (келишилган) маънони англашиш учун хизмат қилади. Ҳаракатдан англашилган ишоравий маъно ифодаланади. Шунга кўра А.Нурмонов етакчилигидаги муаллифлар яратган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида ишора феъллари феълларнинг маъно гуруҳлари ичида алоҳида гуруҳ сифатида берилган бўлиб, **имо қилди, лабини бурди, кўзини қисди** каби феъллар мисолида келтирилган<sup>27</sup>.

А.Нурмонов: “Конкрет нутқ вазиятида маълум бир маъно ифодаловчи имо-ишоралар шу нутқ вазиятини қайта ҳикоя қилиб бериш жараёнида

<sup>22</sup> Содиқова М. Феъл стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 61-б.

<sup>23</sup> Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси. Филология фанл. докт.... диссертацияси. – Тошкент, 1991. – 70-б.

<sup>24</sup> Sayfullayeva R.R., Mengliyev B. R., Boqiyeva G.X., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya. 2009. – 188-b.

<sup>25</sup> Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан. 1977. – 168 б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т: Фан. 1989. – 142.

<sup>26</sup> Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 107.

<sup>27</sup> Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 248-249-б.

маълум лингвистик бирликлар ёрдамида тасвир қилинади. Бу феъллар семантик томондан **ишора феъллари** деб ифода этилади”<sup>28</sup>, – деб ёзади.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни айтиш мумкинки, **ишора феъллари** номи остида жамланадиган феъллар номинатив ва семантик хусусиятларига кўра умумийликка эга бўлгани ва бошқа феъллардан фарқланиши натижасида, қолаверса, структур, семантик, грамматик, коммуникатив хусусиятларига кўра алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Имо ва ишора феълларининг семантик структураси кўп компонентли бўлиб, у мантикий ва билиш, грамматик ҳамда коннотатив узвларнинг қўшилмасидан (синтезидан) иборат бўлади. Бу ўринда коннотативлик мураккаб бўлиб, унинг таркибига нафақат экспрессив-баҳо ва услубий компонент, балки мотивацион компонент ҳам киради. Шунинг учун ҳам имо ва ишора феълларини тадқиқ этиш семантика назарияси учун ҳам долзарб ва кизиқарлидир.

Маълумки, “Ҳар қандай лисоний белги коммуникацияда реаллашади, яъни кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувда муайян ахборот (тушунча) бериш учун қўлланади”<sup>29</sup> ва номинатив вазифа бажаради.

– *Тасаввурингиз тўлиқроқ бўлиши учун еттинчи трамвайга ёки ўттиз саккизинчи автобусга тушиб, Студентлар шаҳарчасига ҳам бориш керак эди-я!*

*Максимич кулиб қўлларини кўтарди:*

– *Мен таслим бўлдим, Розия. (Ў.Ҳ.)*

Ушбу диалог “нутқ парчаси” сифатида коммуникацияни рўёбга чиқармоқда ва унда адресат ишорадан фойдаланмоқда. Ишоранинг маъноси ремарка орқали аниқлаштирилмоқда. Яъни “таслим бўлмоқ” феъли ва ундан англашиладиган маъно *ютқазииш, тан бериш* маъносини билдириб келмоқда.

Шунингдек, **Қўл кўтармоқ (1)** сўз бирикмаси қўлнинг юқорига ҳаракатланиши маъносини билдириб, эркин бирикмани ҳам ташкил қилади.

*У қўлини кўтарди / У оёғини кўтарди.*

**Қўл кўтармоқ (2)** ишораси эса қўлнинг юқорига ҳаракатланишидан ҳосил бўлган ишоравий маънони ифодалаб, структур жиҳатдан яхлит лексик бирлик саналади ва номинатив қимматга эга бўлади.

Ушбу ҳаракатда ҳам қўллар кўтарилади, лекин физик-физиологик жиҳатдан қўлларнинг ҳаракати жисмоний машқдагидек расмийликдан йироқ бўлиб, текис, параллел ва охиригача кўтарилмайди, яъни денотат ўзаро фарқланади. Қўл кўтариш ҳаракати остида *таслим бўлиш* маъноси билдирилади.

Ҳар қандай лексеманинг семантик тузилиши уч элементни тақозо этишини эътиборга олсак, [а) объектив олам элементлари (**D**); б) унинг онгдаги акси (**S**); в) моддий воситалар билан ифодаланиши (**B**).]

**D (денотат) -----2) S (сигнификат) -----3) B (белги)**

<sup>28</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. – Андижон, 1980. – 10-б.

<sup>29</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик, 1-жилд, – Тошкент: Akademnashr. – 28-б.

Ишора феъллари семантикаси ҳақида гапирганда, уларда лексеманинг семантик тузилишида одатдагидан ўзгачалик намоён бўлади. Худди шу хусусият ишораларнинг вербал кўриниши бўлмиш ишора феълларининг семантикасида ўз ифодасини топади. Яъни денотатдан англашилган тушунча асосида иккиламчи тушунча ҳосил бўлади:

D-----S-----S<sub>1</sub>-----B

Ушбу ҳолатда S кўлнинг юқорига ҳаракатланишини англатса, S<sub>1</sub> *таслим бўлиш, тан бериш, ютқазил* маъноларини билдириб келади.

Тилда мавжуд бўлган номинатив воситанинг янги вазифани бажариб келиши В.Н.Телия томонидан “иккиламчи лексик номинация” экани айтиб ўтилади ва у ҳам лисоний, ҳам нутқий характер касб этиши таъкидланади<sup>30</sup>.

Биринчи ҳолатда тилда қабул қилинган ва конвенционал характер касб этувчи лисоний белги маъносини билдирса, иккинчи маъноси окказионал лексик маъно ифодалаб, номинатив бирликнинг ўз маъносидан фарқли, лекин унга семик алоқадор функционал маънони англадиб келади.

Денотатив нуқтаи назардан бир хил бўлган (кенг маънода: кўлнинг юқорига ҳаракатланиши) *кўл кўтармоқ* ҳаракати ва ишораси семантик жиҳатдан бир неча тушунча ифода этиши мумкин бўлади.

### КЎЛ КЎТАРМОҚ

#### Сўз бирикмаси

<p><b>Денотат</b> (кўлни юқорига ҳаракатлантириш) <i>“Бир” деганда, кўлингизни кўтарасиз, “икки” деганда, туширасиз.</i></p>	<p><b>Сигнификат</b> (кўлни кўтариш тушунчаси)</p>
--	--

### КЎЛ КЎТАРМОҚ

#### Ишора феъли

<p><b>Денотат-1</b> (икки кўлни юқорига ҳаракатлантириш) <i>Чанг-тўзон ичида яланг кўйлак, яланг бош немислар кўлларини баланд кўтариб, буталар орасида югуриб борарди. (Й.Шамшаров.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-1</b> (таслим бўлиш, ютқазил тушунчаси)</p>
<p><b>Денотат-2</b> (ўнг кўлни кўтариш) <i>Ҳамма сўзга чиқиб бўлгач, раис мажлисни ёпар вақтида Сайлихон сўз сўраб, кўрқибгина кўлини кўтарди. (С.Анорбоев.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-2</b> (сўз сўраш, ўзини билдириш тушунчаси)</p>
<p><b>Денотат-3</b> (ўнг кўлни кўтариш) <i>...Мен сизни ҳайдамасликка кўл кўтараман. (А.Қ.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-3</b> (овоз бериш тушунчаси)</p>
<p><b>Денотат-4</b> (кўлни ритм бўйича юқорига ҳаракатлантириш) <i>Ҳеч бўлмаса, кўл кўтариб, кампир ўйин қилиб берасиз-да. (С.С.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-4</b> (раксга тушиш тушунчаси)</p>
<p><b>Денотат-5</b> (кўлни юқоридан ҳаракатлантириш) <i>Наҳот шу одам бир вақтлар бўлса ҳам, хотинига кўл кўтарган бўлса. (А.Қ.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-5</b> (урмоқ тушунчаси)</p>
<p><b>Денотат-6</b> (кафт очиқ ҳолда кўлни кўтариш) <i>Яқин келган машинага илтижо билан кўл кўтараман. (Х.С.)</i></p>	<p><b>Сигнификат-6</b> (тўхтатмоқ, бас қилмоқ тушунчаси)</p>

<sup>30</sup> Телия В.Н. Вторичная номинация и её виды / Языковая номинация. – Москва: Наука. 1977. – С.129.

Умуман олганда, иккиламчи номлаш ва унинг юзага чиқиш жараёни, шунингдек, унинг турларга бўлиниши масаласи ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутиб турган масалалардан саналади.

Ишора феъллари жумласига кирувчи бирликлар кишининг муайян органининг рамзийлашган ҳаракатидан иборат бўлишини эътиборга олсак, улар 1) соматик; 2) сенсуал ва 3) функционал ишора феълларига бўлинади.

**Соматик ишора феъллари** киши органи ва унинг ҳаракати бирикувидан иборат бўлади. Бунда инсоннинг қайси органи ҳаракатланиши эътиборга олинади ва мос равишда маъно билдиради. Ишора ҳаракатидан ифодаланган маънодан ҳосила маъно ҳосил бўлади ва улар рамзий-семантик алоқадорликда бўлади. Масалан, *бурнини жийириш* норозилик, ноҳушлик, кўланса ҳиддан жирканиш, менсимаслик каби маъноларни билдириб келади.

– *Ўзингизни босинг, хоним, – деди эри ҳам атайин “сизлаб”. – Худо ҳаққи, мен ҳали бундай гўзал қизни учратган эмасман, бунинг устига ақли ҳам, одоби ҳам чиройли эканлиги кўриниб турибди.*

– *Сизнинг ҳам ўглингиз каби дидингиз яхши эмас экан, – деди Мерлин хоним бурнини жийириб. (Ҳ.Карим.)*

Соматик ишора феълларида бош, кўл, бармоқ, ияк, оёқ, елка, гавда, бел, кафт, кўз, қош, тил, юз, қовоқ, тиш, лаб, танглай, пешона, томоқ, бурун каби киши органлари ва уларга мос равишда улар ҳаракатининг ифодаланиши ётади (**S soma – (киши органи)+V verb – (ўша орган ҳаракати)**): *тишини гижирлатмоқ, елкасини учирмоқ, пешонасини тиришитирмоқ, лабини тишламоқ, иягини ушламоқ* ва ҳ.к.

Ўзбек тилида ишора феълларини ҳосил қилишда **бош** сўзи фаол ишлатилади. Бунга сабаб коммуникантлар ўзаро алоқа-аралашув жараёнида бир-бирларининг юзларига қарайдилар ва шу аснода бошлари билан ҳам суҳбатдошга информация узатадилар ёки нутқий коммуникацияни тўлдириш, таъсирчанлигини ошириш, баъзан уни компенсация қилиш учун фойдаланадилар.

Новербал воситанинг вербал ифодаси куйидаги феъллар билан ифодаланади: *бош тебратмоқ, бош иргатмоқ (иргамоқ), бош кўтармоқ, бош чайқамоқ, бош қимирлатмоқ, бошини /каласини ликиллатмоқ (лиқиллатмоқ), бошини сарак-сарак қилмоқ (сараклатмоқ), бош силкитмоқ, бош эгмоқ, бошини ҳам қилмоқ / солитирмоқ, бошини қуйи солмоқ, бошини бурмоқ, боши билан кўрсатмоқ / боши билан имо қилмоқ / боши билан ишора қилмоқ; бош силамоқ, бош қашимоқ, бошини чангалламоқ, бошини ушламоқ, бошидан ўпмоқ, бошига дўқиллатмоқ* каби. Ушбу феълларда бошнинг бевосита ҳаракатланиши асосида ишоравий маъно ифодаловчи ишора феъллари (*бош қимирлатмоқ*) билан бошга таъсир натижасида (*бошини чангалламоқ*) ҳосил бўлган ишора феълларини фарқлашимиз керак. Биринчи гуруҳ феълларида бошнинг ҳаракатланиши асос бўлса, 2-гуруҳ феълларида

бошга муайян таъсир натижасида ишора феъли ҳосил қилинади. Ҳосил қилинган ишора феъллари вазият ва контекстдан келиб чиққан ҳолда муайян маъноларни билдириб келади.

Биз ушбу ишимизда ўзбек тилида ишлатилувчи ишора феълларининг лексик-семантик ва функционал-услубий хусусиятларини таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймадик, зеро, ҳажм ва мавзу доирасининг кенглиги бунга монелик қилиши табиий. Буни рус тилида биргина **қўл** лексемали ишоралар ва соматик фразеологизмларнинг тадқиқига бағишланган 10 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари бажарилгани асос бўлади.

**Қўл**нинг ҳаракатланиш имкониятлари **бошга** қараганда кенг бўлгани сабабли ва қўлнинг партатив, яъни бутун-бўлак тушунчаларини ифодаловчи бирликлари мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаракати ҳам ишора феълларини ҳосил қилишини эътиборга олсак, қўл органи билан ҳосил бўлган бирликлар кўп эканини эътироф этишимиз керак:

*қўл кўтармоқ, қўлларни кўтармоқ, қўл қовуштирмоқ, қўл бермоқ, қўл олишмоқ, қўл силкимоқ (силкитмоқ), қўл силтамоқ, қўл узатмоқ, қўл чўзмоқ, қўл сиқмоқ, қўлни ўйнатмоқ, қўлига тупурмоқ, қўли қалтирамоқ, қўлларни ёки қулочни ёймоқ (ёзмоқ), қўлини тебратмоқ, қўлидан ушламоқ, қўлидан етакламоқ, қўлларини ишқаламоқ, қўлини ўпмоқ, қўлларни артмоқ, қўлларни бирлаштирмоқ, қўлларни қисирлатмоқ* каби ишора феъллари қўлнинг бевосита ҳаракати натижасида ишоравий-рамзий маъно ифодалаб келмоқда;

*қўли билан юзини яширмоқ, қўли билан кўксига урмоқ, икки қўл билан қулоқларни беркитмоқ, қўли билан сонига урмоқ, кўкракда қўлларни чалиштирмоқ, қўл билан ишора қилиш, қўл билан қовоқларни ишқаламоқ, кўрсаткич бармоқ билан чаккани бурамоқ, қўлни маҳкам қисмоқ* каби феълларда қўл восита маъносини бажариб, ишоравий-рамзий маъно билдирмоқда;

*қўлни бигиз қилмоқ, қўлни паҳса қилмоқ, қўлини илмоқ қилмоқ, қўлни мушт қилмоқ, қўлини арра қилмоқ* каби феълли ишоравий бирикмаларида қўл ҳаракати ўхшатиш асосига қурилган бўлиб, қўшма феълларга қўшилиб келмоқда ва шунинг натижасида ишора феълига айланиб ишоравий-рамзий маъно ифода этмоқда;

*қўл кафтларига тупурмоқ, кафтини ишқаламоқ, кафтларни уриштирмоқ, кафтини кафтига урмоқ, кафтини учирмоқ, қўлни пешонага урмоқ, қўлларини дуога очмоқ, дуога қўл очмоқ (фотиҳага қўл очмоқ), икки қўллаб кўришмоқ, қўшқўллаб кўришмоқ, қўлни қўлга бермоқ; қўлини пешонасига қўймоқ, қўлини қорнига қўймоқ, қўлини кўксига қўймоқ, қўлни юзга қўймоқ, қўлни юрак тепасига қўймоқ, қўлларини белига қўймоқ* каби ишора феълларида қўлнинг ҳаракатланиш объекти, йўналиши, ҳаракат усули ҳақида маълумот берилмоқда ва шу асосда ишоравий-рамзий маъно билдириб келинмоқда;

*бармоқ билан бошга урмоқ, бармоғини (қўлини) тишламоқ, бармоқни лабга босмоқ; бош бармоқни кўрсатмоқ / диккайтирмоқ / нуқмоқ, икки қўлнинг бош бармоқларини юқорига кўтармоқ / тик қилмоқ, бош*

бармоқларни қулоқлар остига теккизмоқ, бош бармоқни ўзига қаратмоқ; кўрсаткич бармоқни пистолет қилмоқ, кўрсаткич бармоқни ҳаволатмоқ (ўйнатмоқ), кўрсаткич бармоқни чаккага тирамоқ, кўрсаткич бармоқни чаккасида айлантирмоқ, кўрсаткич бармоқни илмоқ қилмоқ / букмоқ, кўрсаткич бармоқни лабга босмоқ / бармоғини лабига босмоқ, кўрсаткич бармоқни суҳбатдошининг лабига босмоқ, кўрсаткич бармоқни пешонага ёки чаккага қўймоқ, кўрсаткич бармоқни юзга тирамоқ, кўрсаткич бармоқни чаккасига шуруф қилиб бурамоқ, кўрсаткич бармоқ билан ишора қилмоқ, кўрсаткич бармоқни иякка тирамоқ; бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг учини бирлаштирмоқ, бармоқлар билан панжара ясамоқ, бош бармоқни кўрсаткич бармоққа ишқаламоқ, синчалоқнинг бир бўгинини кўрсатиш, бармоқлар билан миқдорни (сонни) кўрсатмоқ, бармоқлар билан ҳисоблаш, бош ва ўртанча бармоқни шақиллатиш / қарсиллатиш, бош бармоқни кўрсаткич ва ўртанча бармоқ орасидан чиқариш, кўрсаткич ва ўртанча бармоқларни кўрсатиш, кўрсаткич бармоқни ва синчалоқни кўрсатмоқ, икки қўлнинг кафтларини бирлаштириш, бош ва ўртанча бармоқни бирлаштириб, “о” ҳарфини тасвирлаш, ўз бармоғини ўтиб йўналтирмоқ каби ишора феъллари бармоқлар ҳаракати асосида ҳосил қилинган бўлиб, вазият ва контекстга кўра маъно ифода этади;

Жонли алоқа-аралашув жараёнини четдан кузатганда, коммуникантлар нутқий ахборотдан ташқари сермахсул равишда гавда ва бошқа турли органлар ҳаракатларидан фойдаланганларининг гувоҳи бўламиз. Бу эса тил системаси очик система дейилганидай, нутқий жараён ҳам эркин, очик, таъсирли ва ранг-баранг эканидан далолатдир. Шунга кўра коммуникацияда бош ва қўл органлари ҳаракатидан ташқари ахборот узатишда суҳбатдошлар **елка, оёқ, бел, бўйин, кўкрак, қорин, тизза, томоқ, тирсак, қад (гавда)** ҳаракатлари орқали ҳам муайян ишоравий маънолардан фойдаланадилар. Улар тилимизда **елкасини қисмоқ, елкалари силкинмоқ, елкасини учирмоқ, елкасини кўтармоқ, елкасига урмоқ, елкасидан силамоқ, елкасидан олмоқ / елкасидан олиб фотиҳа қилмоқ, елкасига қўлини қўймоқ, елкаси томон тупурмоқ, елкасидан ушламоқ, елкасига туртмоқ, елкасидан ушлаб ўзига бурмоқ; оёқларни чалиштирмоқ; оёғига бош урмоқ, оёғига ўзини ташламоқ, оёғини босмоқ, у оёқ-бу оёқда турмоқ; белига қўлини қўймоқ; бўйнидан бўғмоқ, бўйнидан ушламоқ, бўйнига осилмоқ, бўйнидан қучмоқ / қучоқламоқ; кўкрагига тупурмоқ, кўкрагига урмоқ; қорнини силамоқ, кўкраги тўлиб нафас олмоқ, кўкрагига босмоқ / бағрига босмоқ / қучоқламоқ, кўкрагига бош қўймоқ / бошини кўкрагига қўймоқ; қўлини қорнига қўймоқ; тиззасига урмоқ / шапатиламоқ / сонига урмоқ, тиззасида юрмоқ / тиззаламоқ, тизз чўкмоқ, тиззаси қалтирамоқ; муштини кўрсатмоқ / мушти билан ўдагайламоқ / муштини тугмоқ, муштини муштига урмоқ / муштарини уриштирмоқ, муштини столга / деворга ёки бошқа нарсага урмоқ, мушти билан тиззасига урмоқ; томоғига чертмоқ, томоқни қўл билан арраламоқ / томоғини арралаб кўрсатмоқ, томоқ қирмоқ; тирсакни уриштирмоқ; қаддини эгмоқ / букмоқ, қадди дол, қаддини кўтармоқ, қаддини ростламоқ, қаддини тик тутмоқ каби ишора феъллари орқали ифодаланади.**

Соматик ишора феъллари жумласига алоқа-аралашувда маъно ифодаловчи мимика (имо)лар ҳам кириб, улар ҳам мулоқот жараёнида нутқий коммуникацияни кузатиб бориши, компенсация қилиши мумкин. Буларга киприк, кўз, лаб, оғиз, пешона, тил, тиш, чакка, юз, қулоқ, қовоқ, няк, қош, мўйлов, соқол, соч лексемалари ва уларнинг ҳаракати натижасида ишоравий маъно билдирувчи феъллар киради:

кипригини пирпиратмоқ; кўздан қочирмаслик / кўз узмаслик, кўзини олиб қочмоқ, кўзига тикилмоқ, кўзлари тўқнашмоқ / кўзи кўзига тушмоқ, кўзи билан кўрсатмоқ / ишора қилмоқ / имо қилмоқ, кўз ташламоқ / кўз югуртирмоқ, кўз юммоқ / кўзини юмиб олмоқ, кўзини беркитмоқ / ёпмоқ / тўсмоқ / кўзларини қўли / кафти билан беркитмоқ / ёпмоқ / тўсмоқ, кўзи ўйнамоқ / кўзи олазarak бўлмоқ, кўз қисмоқ, кўзини ерга / пастга қаратмоқ, кўзини очиб ёпмоқ / пирпиратмоқ / кипригини пирпиратмоқ, кўзларини катта очмоқ / кўзлари катта очилмоқ, кўз қирини ташламоқ / бир кўзи билан назар ташламоқ / кузатмоқ, кўзига қаролмаслик / нигоҳидан ўзини олиб қочмоқ; лаблари қисилмоқ, лаб (ини) бурмоқ, лабини учирмоқ, лабини тишламоқ, лабини чўччайтирмоқ, рўмолнинг учини лабга босмоқ, лабини қийшайтирмоқ, лабига бармоқ босмоқ / лабига бармогини қўймоқ; оғзини қўли билан тўсмоқ / ёпмоқ / оғзини кафти билан тўсмоқ / оғзини қўли билан ёпмоқ, оғзини очмоқ; пешонасини тириштирмоқ, пешонасига урмоқ; тилини тишламоқ, тилини кўрсатмоқ / тилини чиқармоқ, тилини осилтирмоқ; тишларини гижирлатмоқ, тишини тишга босмоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ; чаккасини ушламоқ, чаккасида бармогини бурамоқ, чаккасини икки қўли билан қисмоқ; юзига фотиҳа тортмоқ / фотиҳа қилмоқ / дуо қилмоқ, икки қўлини юзига тортмоқ, юзини буриштирмоқ / афтини буриштирмоқ, юзига тикилмоқ юзидан ўпмоқ, юзини силамоқ, икки қўли билан юзини беркитмоқ, ўз юзига шапати урмоқ; қулогини беркитмоқ / икки қулогини беркитмоқ, қулоқни қашламоқ, қулоқни ушламоқ, қулогини бурамоқ; қовоқ-тумшугини осилтирмоқ / қовоқ солмоқ / хўмраймоқ; иягини силамоқ; қошини учирмоқ, қошини кўтармоқ, қошини кўрсатмоқ; мўйловини силамоқ; соқолини силамоқ, соқолини ўйнамоқ, соқолини гижимламоқ; сочинини силамоқ, сочинини чангалламоқ. Ушбу ишора феъллари коммуникатив акт доирасида алоқа-аралашув воситаси бўлиб келади ва ишоравий-рамзий маъно ифода этади.

**Сенсуал ишора феълларида** ишора маъноси билдирилади, лекин қайси киши органи ҳаракати натижасида ифодалангани номаълум бўлади. Яъни мазмун аниқ, шакл мавҳум бўлади. Улар **ишора қилмоқ, имо-ишора қилмоқ, имламоқ, имо қилмоқ, им қоқмоқ** каби имо-ишоравий феъллар орқали ифодаланади.

“Ишора қилмоқ кўз, қош, қўл, бош ҳаракати билан белги қилмоқ”<sup>31</sup> демакдир. Сенсуал ишора феъллари матн таркибида муаллиф нутқида келиб, унда ишоранинг маъноси билдирилиб, киши органи ифодаланмайди. Ўз-

<sup>31</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – М.: Русский язык. 1981. – 344-б.

ўзидан аёнки, ишора муайян киши органининг рамзий-ишоравий маъно ифодалаши асосига қурилади.

*Аҳмад Танбал олдинги сафда турган йигитлардан бирига ишора қилди. Айиқтахлит қўпол бир йигит эгарининг устида дўмпайиб турган хуржунни олди-да, подшоҳга яқинлашди. (П.Қ.)*

Ушбу матн парчасида коммуникантлар муайян хатти-ҳаракатлар асосида фикр алмашмоқдалар: адресантнинг (Аҳмад Танбал) адресатга (Йигитга) ишораси алоқа-аралашувни шакллантирмоқда.

Бундай ҳолларда матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда ишоранинг денотати адресатда рамзий тасаввур ҳосил қилади. Матндан аёнки, Аҳмад Танбал эгарнинг устидаги дўмпайиб турган хуржунни подшоҳга кўрсатиши кераклигини билдирган ҳолда унга қўли / боши / кўз қараши билан ишора қилганини аниқлаш мумкин.

*Шу пайт Усмон “нон” деб йиғлади, Бозорбой ака хотинига имлаб, “опчиқ” ишорасини қилди, аёл этагига ўраб келган бир парча пишиган, совуқ ошқовоқни боланинг қўлига тутди. (Ш.Ҳайитохунов.)*

Имламоқ, ишора қилмоқ сенсуал ишора феъллари Бозорбой ва унинг хотини мулоқотини ифодалаб келмоқда. Бу ўринда ҳам ишоранинг денотати аниқ бўлмаса-да, матн мазмунидан бош ёки қўл ёрдамида олиб чиқиш ишораси қилингани маълум.

Кўриниб турибдики, сенсуал ишора феъллари ишлатилган матнларда ишора мазмуни биринчи планга чиқади ва шакл анъанавий рамзий-ишоравий тасаввурни билдиради.

Бадий матн таҳлили жараёнида имо ва ишора маъноси денотатив жиҳатдан аниқлаштирилиши ва матнда ифода этилиши мумкин бўлади. Бунда имо ёки ишора кишининг қайси органи орқали ифода этилгани берилади.

#### **Қоши билан**

*– Ўша кунни шомга яқин Амир Турди қоши билан имо қилиб кўрсатган жойда эди. Уни ҳамма томони берк, кичик деразасига ҳам панжара тутилган, ним қоронғу машинага босиб обкелишти–да, зўрлик билан укол қилишди. (У.Ҳ.)*

#### **Кўзлари билан:**

*– Бугун қоламизми?*

*Адҳам Воҳидович кулимсираганича кўзлари билан “ҳа” дегандек имо қилиб қўйди (Ғ. Ҳотамов).*

#### **Бармоқлари билан:**

*Рассом Вяткиннинг жилмайган юзи кўринди. У бармоқлари билан “салом” ишорасини қилиб ўтиб кетди. (А. Абдувалиева).*

**Функционал ишора феъллари** ифода маъносига кўра ишоравий маъно билдирмасдан, вазият талабига, матнда контекст асосида семиотик вазифа бажариб келади.

Ишораларни ифода этувчи феъллар ярим ҳаракат ва ярим рамз маъноларини билдириб келишини Ю.В.Голубева айтиб ўтади ва эмблематик ишораларнинг семиотик таснифига кўра ишора билдирувчи феъл ва феълли

бирикмалар симптоматик (этикет, ахлоқ-одоб) ва коммуникатив ишораларга бўлинади. Ишора ифодасининг семиотик маъноси ишора ифодаловчи феъл ёки бирикманинг қай контекстда қандай сўзлар қуршовида келишига боғлиқ бўлади<sup>32</sup>. Ишора билдирувчи, лекин ишора тизимига кирмайдиган ёки ишора феъли сифатида муқим бирликка айланмаган сўзлар бирикмаси вазият тақозоси билан новербал восита сифатида муайян маъно ифодаланиши мумкин ва у ўша ҳаракатнинг натижаси сифатида ҳосила маънога тенг келади. Лекин инсон ҳаракатида алоҳида олинганда ишора маъноси ифодаланмайди, фақат коммуникатив акт доирасида семиотик маъно билдириб келади.

*– Нега ахир? – Муҳаммаджон ака сўрашга сўради-ю бу мавзуда гаплашишни хушламаганидан юзини четга бурди. (У.Ҳ.)*

Бу ҳолда ишоравий маъно нафақат юқорида таъкидлаб ўтилган ишора феъллари билан реаллашади, балки ишора маъносига тенг келадиган феъл ёки сўзлар қўшилмаси билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай бирликлар коммуникатив акт нуқтаи назаридан **функционал ишора феъллари** дейилади.

*– Юсуф ким ўзи? Белингдан тушган зурриёдингми, ким? – Аъзам ака туюқиб ўрнидан туриб кетди. (У.Ҳ.)*

Матндаги **ўрнидан туриб кетмоқ** ҳаракати ишора феъллари жумласига кирмаса-да, ушбу контекстда *аччиқланиш, жаҳл қилиш, норозилик* маъноларини ташимоқда ва Аъзам аканинг ҳаяжонини, аччиқланганини ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

Функционал ишора феъллари жумласига ҳиссий, руҳий, ҳаракат, ҳолат, нутқ феъллари кириши мумкин. Албатта, уларнинг ишоравий маъноси вазият асосида аниқлаштирилади. Бадиий матнлардан олинган ушбу феъллар ва феъл бирикмалари контекстуал ишора феъллари жумласига киради:

*Дик этиб ўрнидан турмоқ, жуссасини қўзгатмоқ, иргешламоқ, қилтилламоқ, жилпангламоқ, қимтинмоқ, қўзгалмоқ, лаш-лушини тўғирламоқ, сапчиб кетмоқ, иргиб тушмоқ, столга ўтириб қолмоқ, тебранмоқ, титрамоқ, ўрнидан турмоқ, уялмоқ, чопқилламоқ, чўкмоқ, энтикмоқ, мастона-мастона чайқалмоқ, туфламоқ, кўкракка туфламоқ, кўкрак кермоқ, чуқур нафас олмоқ, терс бурилмоқ, ўйинга тушмоқ, гирр айланмоқ, терс бурилмоқ, ер тепмоқ, ер тепинмоқ, у ёқдан бу ёққа тез-тез юрмоқ, даст кўтариб айлантириб ерга қўймоқ, хўмраймоқ, ўдагайламоқ, қизармоқ, бўзармоқ, оқармоқ, тиржаймоқ ва б.*

Шунингдек, инсоннинг маълум органи ҳаракати натижасини ифодаладиган шундай феъллар борки, уларда гарчи муайян шахс органи ифодаланмаса-да, мазмунан соматик ишорага тенг келади: *қарсак чалмоқ, чапак чалмоқ, честь бермоқ, ёқасидан тутмоқ, ёқани тортмоқ, енг шимармоқ, тортиб сўрашмоқ, қучоқлашиб кўришмоқ, столни чертмоқ, эшикни тақиллатмоқ; ўпмоқ каби.*

<sup>32</sup> Голубева Ю.В. Репрезентация фрейма “жестикуюция” английскими глаголами и глагольными сочетаниями. Дисс. канд. филол. наук. – М., 2006. – С. 161.

Ҳар қандай имо, ишора ёки бадан ҳаракатлари лисоний жиҳатдан турғунлашган бўлади. Бу сингари сўзлар йиғиндиси кинема ҳақида тасаввур беради, яъни кишининг маълум ҳаракатларини ифода этади ва бундай сўзлар йиғиндисидан келиб чиқадиган маъно фақат контекст ва вазиятда реаллашади.

Тилда коммуникатив вазифа бажарувчи ишоралар ва имоларнинг вербал ифодаси доимий ишлатилувчи, умумалоқада фойдаланадиган, компонентлари шаклланган, турғун вербал воситаларнинг гуруҳини ташкил қилувчи бирликлардан иборатдир. *Бош тебратмоқ, қошини учирмоқ, бош силкимоқ* каби ишора феъллари турғунлашган сўзлар комплексига тенг келади. Бу каби бирликлар 2 ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат эканлиги билан сўз бирикмаларига тенг келса, сўзлар ўртасидаги семантик алоқа турғунлиги билан фраземаларга яқинлашса, бир тушунча ифода этиши нуқтаи назаридан сўзга тўғри келади. Шунинг учун ҳам мимика ва ишораларни ифодаловчи ишоравий вербал бирикмалар баъзан алоҳида лексема сифатида, баъзан ўзига хос турғун бирикма сифатида талқин этилади. Ишораларнинг вербал ифодаси кинемалар сингари яхлит маъно билдиради. Ишорадан англашиладиган ўз маъно 2-планга сурилади ва ишоравий маъно, яъни алоқа жараёнида аҳамият касб этувчи маъно асосий ўринга чиқади. Бундай бирликларни Л.И.Ройзенсон ва И.В.Абремецлар турғун сўзлар комплекси (устойчивые словесные комплексы) деб номлайдилар ва “турғун сўзлар комплекси ишорани номлаш билан бирга ўша ишоранинг маъносини ҳам изоҳлаб келади”, деб айтадилар<sup>33</sup>.

Имо-ишоравий сўзлар комплексининг фразеологизацияланиш жараёни тилдаги энг фаол жараён саналади<sup>34</sup>. Аввалига ҳар бир ишоравий маъно берувчи сўзлар комплекси киши органлари ҳаракатини билдириб келса, кейинчалик ишоравий маъно қайта номланиш асосида кўчма маъно ҳосил қилади. Мавжуд номинация (имо-ишоравий сўзлар комплекси) коннотатив +маъно асосида янги номинацияни (фраземани) ҳосил қилади. Натижада соматик фраземалар ҳосил бўладики, унинг прототипи ишора билдирувчи сўзлар комплекси бўлади.

Тадқиқотнинг **“Ишораларнинг бадий матндаги ифодаси”** деб номланган тўртинчи бобида новербал воситаларнинг бадий асарларда ишлатилиши назарий асосланган ва таҳлил қилинган.

1989 йилда А.Мамажоновнинг **“Текст лингвистикаси”**<sup>35</sup> ўқув қўлланмаси чоп этилди. Унда илк бор ўзбек тилшунослигида матн масаласи монографик йўналишда тадқиқ этилган бўлиб, шу йўналишдаги кейинги илмий тадқиқотлар учун дастурул амал вазифасини бажарди.

“Матннинг асосий вазифаси коммуникативликдир”, – деб ёзади А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевлар **“Матн тилшунослиги”** дарслигида<sup>36</sup> ва

<sup>33</sup> Ройзенсон Л.И., Абрамец И.В. Совмещенная омонимия в сфере фразеологии // Вопросы языкознания, 1969, № 2, – С.54-63.

<sup>34</sup> Будагов Р.А. Сравнительно-семантическое исследование. – М.: МГУ. 1963, – 152-б.

<sup>35</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент: Тошкент ДПИ нашриёти. 1989. – 87 б.

<sup>36</sup> Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн тилшунослиги. – Фарғона: Classic. 2021.– 189 б.

бу билан матн адресант томонидан адресатга узатилаётган ахборот эканини эътироф этадилар.

Бадиий матндаги новербал коммуникация, аниқроқ айтганда, ишоравий коммуникация кейинги йилларда гуманитар ва ижтимоий фанларнинг ўрганиш объекти бўлмоқда. Бунга сабаб алоқа-аралашув жараёнида ишлатилиб келинаётган кишиларнинг маъно ифодаловчи хатти-ҳаракатлари коммуникатив актда асосий маънони ифодалаб келмоқда.

Бадиий асар ҳаётнинг акси саналади. Унда ёзувчи томонидан тасвирланган воқеа-ҳодисалар, персонажлар ва уларнинг бошқа асар қаҳрамонлари билан мулоқоти, характер ва хусусиятлари табиий ҳаётнинг инъикоси сифатида ёритиб берилади, демак, бадиий матнда паралингвизмларни учратишимиз табиий. Бу ёзувчининг ўзига хос бадиий тасвир воситасидан фойдаланиши эмас, балки ҳаётий ҳақиқатни қоғозга кўчиришидир. Бадиий матнда кинетик ҳолатларнинг берилиши жонли алоқа-аралашувнинг матнга кўчишидир.

Ижтимоий психологларнинг айтишича, кишилар ўртасида контактнинг ўрнатилиши ва давомийлигининг таъминланиши суҳбатдошининг доимий реакцияси, муносабати ва тасдиқлаб туриши асосига қурилади. Бу реакция, асосан, бош қимирлатиш, кўз ҳаракати ва бошқа мимик ҳаракатлар билан берилади.

– *Ушбу гордан қутулиб чиқиб кетишинг учун сен энди жуда зийрак, эътиборли ва хушмуомала бўлишинг керак бўлади.*

*Рустамнинг кўнглида бироз таскин пайдо бўлиб, унинг гапни боши билан маъқуллади.*

– *Эрталаб чап томондан шуъла кўринади, унинг нури оч ҳаво ранг тусда бўлади. Сўнг қизғин рангдаги ёруғлик пайдо бўлади, шу пайтда сен тугунларни қўлга олишинг керак.*

*Сеҳргар Рустамга тикилди. Рустам бошини қимирлатиб, унинг гапни тасдиқлади.*

– *Қисқа муддатдан сўнг ҳамма ёқ қора тусга киради. Бирдан гор ёруғлашади. Мана шу пайтда сен тугунларнинг билан жуда тез ҳаракат қилиб чап томонга югуришинг ва гор оғзининг ўнг томонидаги чуқурликка тушиб олишинг керак.*

*Рустам нажоткорга қараб, гўё қутулиб чиқиб кетаётгандек севиниб, бошини бир-икки марта ирғади ва юзида маъюс табассум ҳосил бўлди. (Турк халқ эртагидан.)*

Матндаги ушбу **бош қимирлатишлар** коммуникациянинг давомийлигини таъминловчи, узатилаётган ахборотни адресат эшитаётганини, ҳазм қилаётганини англаувчи, коммуникантларни мулоқотни давом эттиришга чорловчи хатти-ҳаракат бўлиб, бу кинетик, мимик воситалар орқали амалга оширилади.

Бадиий асардаги персонажаларни муаллиф томонидан характерлашда, уни ёзувчи томонидан таъриф ва тавсифлашгина етарли бўлмасдан, балки асардаги ҳар бир персонажнинг вазиятга фаол муносабатига ҳам эътибор қаратилади, яъни овоз тони, сифати, турли имо-ишоралардан фойдаланиши,

ҳолатга унинг ҳиссий, руҳий акс таъсири, персонажларнинг ўзаро сўзсиз “мулоқоти” ва б.

Ғафур Гуломнинг “Йигит” ҳикоясида суҳбатдошларнинг “диалог” муаллифнинг изоҳи, таъкиди орқали мукамаллашади, тўлақонли бўлади.

*Мендан олдин турган бир ўстиринчанинг елкасига секин туртдим: (диққатни қаратиш – М.С.) – Ўртоқ, афв этасиз, мен сизнинг орқангизда, ўрнимга эҳтиёт бўлинг, мен ҳозир келаман, – деб секин қатордан сирғалиб чиқдим. Қизнинг рўпарасида залга қўйилган тувакдаги гулнинг барглари ййнаб (эътиборини жалб этиш – М.С.), қизга тикила бошладим (яхши кўргангани билдириш – М.С.). қизнинг дайди боқишлари (эътиборсизлик – М.С.) менга тушган эди (эътибор бермоқ – М.С.), мен ҳам одамларга шипшитмай туриб, чап кўзимни ҳазилкашлик билан қисиб қўйдим (ҳазиллашиш – М.С.), қиз менга бир хўмрайиб қаради-да (норозилик, аччиқланиш – М.С.), юзини чиртта тескарига бурди (эътибор бермаслик, аччиги келмоқ – М.С.). Мен бу чоқ унинг ҳолини таъқиб қилар эдим (кузатув – М.С.).*

Келтирилган парчада коммуникантларнинг нутқий мулоқоти акс этмаган бўлса-да, суҳбатдошлар ўзаро анча “фикр алмашиб олганлари”ни кузатиш мумкин.

Бадий асарда персонаж воқеа-ҳодисаларнинг марказида турувчи ва муаллифнинг режаларини бажарувчи асосий унсур саналади ва муаллиф уни китобхонга бор бўйи билан кўрсатиши талаб этилади. Нафақат шаклу шамойили, балки ички ҳиссиёти, руҳияти, тафаккури, дунёқараши, ўй-фикрлаши ва бошқа унинг характерини ифода этувчи жиҳатларни тирик инсон сифатида китобхон кўз ўнгида гавдалантириши керак бўлади.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида Анвар образининг романдаги ҳаракатланиши таҳлил қилинганда, унинг характери болалигидан босиқ, мулоҳазали, ақлли, адолатли, одоб-ахлоқли, меҳрибон, самимий, бошқаларни ҳурмат қилувчи, синиқ, камтар эканига гувоҳ бўламиз. Ёзувчи асар давомида юқоридаги хислат-фазилатларни узвийлик асосида тасвирлаб боради.

*\* Анвар уларнинг сўзига қарши мажхул бир вазият сақлаган ҳолда бош қимирлатиб суфага қайтди.*

*\* Моҳлар ойимнинг ҳалиги сўзи билан масалага тушунди ва ятимона бошини қуйи солди.*

*\* Анвар уялиб бағридагини бўшатиб юборди. Хотинлар кулишдилар.*

*\* Ахир бир кун уйланади, бамисоли сен бўлсанг эрга тегасан... Ахир уй керак-да, қизим. Бу сўздан Анвар қизариб кетди.*

*\* Раъно Анварнинг мақсадига тушунди, шекилли, бир неча вақт жим қолди ва қаршисидаги йигитнинг ўйчан юзига бир-икки қараб олди.*

*\* – Домланинг сўз даромадига қараганда, сизни ўзига қуяв қилиш фикри борга ўхшайди. Сизнинг ризолигингиз биланми, йўқми, бунисини билалмадим...*

*Анвар қизаринди. Жавоб бериш ўрнига “натижаси?” дегандек қилиб унга савол назари билан қаради.*

Романда Анвардаги юқоридаги келтирилган хусусиятлар муаллиф нутқида келтириб борилади ва бу ҳолат Анвар образининг хислат-фазилатининг шаклланишида асосий омил сифатида аҳамият касб этади.

“Меҳробдан чаён” романидаги муаллиф нутқи орқали персонажлар характери очиқ беришда новербал компонент қарийб 55% миқдорида ишлатилганини кузатиш мумкин. Бу эса ижодкор асардаги персонажларнинг нутқинигина эмас, балки ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳам: имо, ишора, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори, гавда ҳаракатларини, сўзлашув сифати, нутқни ирод қилиши, ҳиссиёти, руҳияти, ўзига хос одатлари ва бошқа шахснинг шаклланишидаги жиҳатларни ҳам эътиборга олишидан далолат беради.

Асарда Анварнинг *сукут сақлаши, вазиятларда босиқлик билан жим туриши, қўл қовуштириши, қўлларини кўкрагига қўйиши, тавозе бажо қилиши, бош эгиши, илжайиб тасдиқ ишорасини қилиши, кулимсиб қўйиши, ер остидан қараши, кўз қирини ташлаши, кўзларини олиб қочиши, қизариниши, бош чайқашини, секин бошини кўтариши...* каби кинетик ҳолатлар, биринчидан, вазиятда контекстуал маъно ифодаласа, иккинчидан, персонажнинг характер қирраларини очиқ беришда иштирок этади.

Кинетик белгининг ахборот узатиши ва у орқали кўшимча (паралингвистик) маъно ифодалашини эътиборга олиб, бадий асардаги образларнинг ахборот узатувчи хатти-ҳаракатлари таҳлил қилинди:

**1. Информатив-фактуал кинетик** тавсифда мулоқот жараёнида маълум шароитга кўра алоқа-аралашувда маъно ифодаловчи ҳаракат ифодаси эътиборга олинади. Масалан: кирди, чиқди, йиқилди.

*Бу гапларни эшитган Сувсарпаринниг боши айланди, кўзи тинди ва йиқилди.* (Эртақдан.)

Ушбу ўринда персонажнинг хатти-ҳаракати вазиятдан келиб чиққан ҳолда маъно ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Сувсарпарининг йиқилиши адресантнинг унинг руҳиятига, ҳиссиётига таъсир қилувчи маълум гапи натижасида амалга ошмоқда.

**2. Информатив-характерловчи** тавсиф. Бунда персонажларнинг ишоралари, имоси ва гавда ҳаракатлари ифодаси асар қаҳрамонлари хусусиятларини очиқ беради. Маълум ҳолат ёки ахборот натижасида адресат томонидан берилган реакция (муносабат)нинг киши юзида, кўз қарашларида, бош, қўл ҳаракатларида намоён бўлиши персонажни характерловчи ахборот ташийди.

*Жаноб Сардорев худди ҳамма нарса уларнинг фойдасига ҳал бўлаётгандай қўлларини жуфт қилиб бир-бирига киргизиб бош бармоқларини айлантира бошлади, юзида табассум пайдо бўлди.* (Журналдан.)

**3. Информатив-коммуникатив** тавсиф. Бунда берилган кинематик ифода нутқий жумлани кузатиб боради: ишора, мимик ва бошқа гавда ҳаракатлари эса унинг маъносини тўлдириб келади. Имо-ишоралар нутқий ифода мазмунини тасдиқлаб ёки инкор этиб келиши мумкин. Булар

коммуникантларнинг қизиқиши ёки қизиқмаслигини, эътибор бериш ёки эътиборсизликни аниқлашга ёрдам беради.

– *Мени бу ерга шу ёмон хабарингиз учун таклиф этганмидингиз? – дея сасигандай бўлди Лутфи Қаришевич қовоғини осиб.* (Ғулом Али.)

